

## АҚШда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» номидаги масжидда қурилиш ишлар давом этяпти



14:21 / 02 апрель 1373

Америкада «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» номидаги жомеъ масжид барпо этиляпти. Бу ҳақда АҚШнинг Цинцинати шаҳридаги ўзбеклар жамияти раиси Зафар Алимов маълум қилди. Мажмуа Оҳаё штатининг Мейнвилл шаҳрида ўзбекистонлик ватандошлар томонидан қуриляпти.

Масжид асосан, ўзбекистонлик ватандошлар ҳомийлигида қурилаётган бўлса-да, бошқа миллатдаги мусулмонлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Цинцинати ўзбеклар жамияти раиси Зафар Алимовнинг сўзларига кўра, ҳозирда масжидда қурилиш ишлари бошланган. Қурилаётган масжиддан 20 дақиқалик йўлда араб мусулмонлари томонидан қурилган бир масжид ва бошқа томонда покистонликлар қурган масжид бор экан. «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» ҳазратлари номидаги масжид

Ўзбекистонликлар томонидан қурилаётган АҚШдаги илк масжид бўлади.

Худуди 3 гектар бўлган масжиднинг пойдевори қўйилган, қурилиш маҳсулотлари ҳозирланган. Ушбу масжид 2025 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Мажмуа ҳудудида 600-700 кишига мўлжалланган ибодат учун асосий бино, таҳорат хоналари ва бошқа махсус ёрдамчи иншоотлар, хусусан, ўзбек мактаби ва боғча ҳамда юздан ортиқ автомобиль учун тўхташ жойи барпо этилади.

Шунингдек, алоҳида ҳудудда муслмонлар қабристони ҳам ташкил этилади.

Ўтган йили Рамазон ойида Цинцинатига юртимизнинг бир гуруҳ уламолари ташриф буюриб, масжид қуриладиган жойга тамал тошини қўйиб беришган эди.

Ҳозирда Цинцинати шаҳрида беш минг ўзбекистонлик оила, тахминан 15-20 минг ватандошимиз истиқомат қилади.

Штатда бешта ўзбек ресторани, учта ўзбекларнинг озиқ-овқат дўкони бор.